# ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ ФАСЛИ БАҲОР – НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2012 йил, 16 март ● № 10 (875)

**«Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга бизнинг бир неча минг йиллик қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси тасдиғидир».**

**Ислом КАРИМОВ.**

## Ҳурматли тиббиёт ходимлари!

**Сизларни ўлкамизга ўзининг гўзаллиги билан кириб келаётган Наврўзи олам билан самимий қутлаймиз!**

**Зеро, энг қадимий, энг азиз миллий байрамимиз она табиатга ҳусну малоҳат бахш этиб, ажиб бир тароват ва қутлуғ қадамлар билан барча дилларга қувонч улашиб, меҳр-муҳаббат, хайру саховат ила Наврўзи олам юртимизга кириб келмоқда. Наврўз нафақат инсон ва табиатнинг, балки миллий урф-одатларимизнинг ҳам янгиланиш давридир. Дарҳақиқат, бу айём ўз моҳияти, ўз руҳи, ўз нафаси билан халқимизнинг олижаноб қалбини, унинг асл табиатини ифода этади.**

**Фахрланарлиси шундаки, ўлкамизга Наврўзи оламнинг кириб келиши билан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг бошлаб юборилиши турмуш фаровонлиги ошишида, қолаверса, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир қалбга эзгулик уруғини сочади. Шу ўринда айём арафасида, яъни 17-18 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарининг ўтказилиши ҳам юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин ифодасидир. Албатта, ана шундай умумхалқ тадбирида ҳар бир тиббиёт муассасалари жамоаси ўзлари меҳнат қилаётган ҳудудларидаги ерларга ишлов бериб, турли гул ва дарахт кўчатларини ўтқазишда фаол иштирок этадилар.**

**Юртимиз аҳлини Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этиб, уларга баҳорий кайфият, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, омад ва бахт тилаб қоламиз.**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги.**




*Видеоселектор*

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ МАҚСАДЛАР

***Жорий йилнинг 14 март куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида вазирликнинг видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари тасарруфидаги тиббиёт муассасаларининг мутасадди раҳбарлари, қишлоқ врачлик пунктларининг умумий амалиёт шифокор ва ҳамширалари иштирок этдилар.

Видеоселекторни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов кириш сўзи билан очиб, тизимдаги фаолиятларга урғу қаратган ҳолда қуйидаги муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди:

– Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган маросимида 2012 йилни юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги ҳар бир тиббиёт ходимини янада катта масъулият билан ишлашини тақозо этади. Шундай экан, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш жисмонан соғлом, маънан етук ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш каби муҳим мақсадларимизни амалга ошириш учун фаолиятларни янада изчиллик билан олиб боришимиз давр талабига айланаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Дарҳақиқат, жорий йилнинг 27 февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли қарори билан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тасдиқланиб, мазкур йилда амалга оширилиши мўлжалланган устувор йўналишлар белгилаб олинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 28 февралдаги 58-сонли буйруғи билан 5 та бўлим ва 22 банддан иборат тармоқ дастури, ҳудудларга бириктирилган

**(Давоми 2-бетда).**

***Ўзбек халқининг миллий ва анъанавий байрами – Наврўз айём барчанинг хонадонига файзу баракот, қувонч ҳамда шодлик олиб кирсин. Янги куч барчага навқиронлик ва гўзаллик кайфиятини бахш этсин!***

*Видеоселектор*

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ МАҚСАДЛАР

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул раҳбар ходимлари рўйхати ва мониторинг гуруҳи таркиби тасдиқланди. Албатта, ушбу тармоқ дастуридан ўрин олган ҳар бўлим ва бандлардаги белгиланган муҳим масалаларга катта эътибор қаратган ҳолда ишлар самарадорлигини ошириш ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз ва бу борада астойдил меҳнат қилишимиз зарурдир.

Демократик жамият қуриш йўлидан борар эканмиз, ҳар бир соҳада эришилаётган ютуқлар келажак авлодларимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлаётганлиги бизни қувонтиради. Айниқса, 2002 йилнинг октябрь ойида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ноёб тизими яратилди.

Шуни таъкидлаш муҳимки, Юртбошимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Фахр билан айтиш жоизки, юртимизда соғлом ва баркамол авлодлар вояга етаётганлиги, ўз истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон ареналарида улкан муваффақиятларни қўлга киритаётган кўплаб ёш спортчилар етишиб чиқаётганлиги, бу албатта спортни, хусусан болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир. Давлатимиз томонидан мазкур жамғарма орқали, аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлодни турли салбий таъсирлардан асраш, қолаверса, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадлар кўзланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Эътирофлиси шундаки, спорт ёшларимиз ҳаётига чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланишни кундалик вазифасига айлантирганлиги уларнинг жисмоний ҳолати ва саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2005-2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакатимиз бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсди, сурункали касалликларга чалинган болалар сони эса кескин камайди. Ўғил ва қиз болаларнинг бўйи ҳамда вазни ошмоқда. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ деб топилганлар сонининг ортганлиги бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

2012 йилнинг 10 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам ушбу йўналишдаги фаолиятларнинг ижобий натижалари таҳлил қилиниши билан бир қаторда, келгусидаги вазифалар белгилаб олинганлиги ишлар бардавомлигининг янада изчиллик билан амалга ошишига кенг имкониятлар яратиши шубҳасиздир. Бу борада вазирлигимизнинг алоҳида фармойиши бўйича асосий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва фаолиятлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Шунингдек, давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига ҳам асосий эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришмоқдамиз. Албатта аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб, бу борадаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги барчамизга маълум. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1144-сонли «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижроси бўйича республика миқёсида олиб борилган амалий ишлар жараёнида яхши натижаларга эришилиб, оналар ва болалар саломатлигини сақлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фаолиятларимизнинг яна бир муҳим жиҳати бугунги кунда республикамизда 3195 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу ҚВПларда 6497 нафар умумий амалиёт шифокори ва 36700 нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатиб келмоқда. Барчамизга маълумки, ҳар бир ҚВП замон талаблари даражасида фаолият юритиб, давр талабидаги шароит ва имкониятларга эга.

Шиддат билан ўтаётган вақт ўзининг тезкорлиги боис, жаҳон стандартлари асосида ишлаш муҳимлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, изланишлар, янгиланишлар сари ташланаётган муҳим қадамлар ишнинг сифат ва самарадорлиги ошишида муҳим мезонга айланмоқда.

Дарҳақиқат, ҚВПларда меъёрий ҳужжатларга асосан, 1 нафар умумий амалиёт шифокори 1 соатда ўртача 5-6 нафар беморни қабул қилиши зарур. Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатдики, бемор кўригини расмийлаштириш шифокорнинг аксарият вақтини олар экан. Жумладан, ҚВПда 200 тадан ортиқ журнал ва рўйхат шаклидаги ҳужжатлар борлиги аниқланган. Юқоридаги ҳолатлар чуқур ўрганилиб, умумий амалиёт шифокорлари ва ҳамшираларнинг меҳнатини енгиллаштириш ҳамда ҚВПда журналлар шаклини мувофиқлаштириш ва юритиш учун қулай шаклларни яратиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирилигининг ишчи гуруҳи бир йилдан ортиқ вақт давомида иш олиб бориб, 200 дан ортиқ журнал ва руйхат шакллари ўрнига 48 та янги шаклдаги журналлар тайёрлашди. Албатта, янги ҳужжат шаклларини юритишдан аввал уларни юритиш бўйича жорий йилнинг 4-10 март кунлари жойларда семинар-машғулотлар ҳудудий ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда туман тиббиёт бирлашмаларининг ҚВП бўйича координаторлари иштирокида олиб борилди ҳамда бу ишлар тизимли равишда ҚВПларда ўтказилиши ва ҳар бир тиббиёт ходимига етказилиши, шунингдек, амалга оширилаётган ишларни қатъий назорат қилиб боришимиз зарур деб биламан. Шу билан бирга, янги шаклдаги тиббий ҳужжатларни сифатли юритишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, ДСЭНМ бошлиқларининг масъуллиги муҳим эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.







Юқоридаги муҳим масалалар қаторида республикамизда 1995-1996 йилларда дифтерияга, 1995 йилдан 2004 ва 2010-2011 йилларда полиомиелитга, 2006-2007 ва 2010-2011 йилларда қизамиқ ва қизилчага қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилиб, бунда аҳолининг 99 фоизи эмланди. Бу билан бирга, республикамизда специфик профилактика йўли билан инфекцияларни республика ҳудудига олиб кирилишида қизамиқ ва қизилча касалликлари юртимизда эпидемик тус олишига ва 5 ёшгача бўлган болалар орасида бошқарилувчи юқумли касалликлардан ўлим ҳолатларига йўл қўйилмади. Ва аҳоли орасида бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши иммунитет таранглиги ортди ҳамда эпедимиологик барқарорлик сақланиб қолди.

Шунингдек, Европа мамлакатларида охирги йилларда қизамиқ, полиомиелит каби касалликлар бўйича нохуш эпидемик вазият рўйхатга олинган даврда республикамиздаги барқарорликни сақлаб туриш, ҳар бир тиббиёт ходимларимизни мазкур касалликлар устидан доимий сергаклигини оширишни ва зиммамизга юклатилган вазифаларни тўлиқ бажаришимизни талаб этади. Бунинг учун барча шароитлар яратилган, вакциналар таъминотида узилишлар йўқ, таъминлаш 100 фоиз, ҚВПларда керакли жиҳозлар мавжуд, врачлар ва эмлаш ҳамшираларининг малакаси оширилмоқда ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мунтазам равишда амалий ёрдамлар бериб келинмоқда. Юқоридаги самарали натижалар қаторида айрим даволаш-профилактика муассасаларида муаммо ва камчиликлар борлигини инкор эта олмайман. Бундай муаммоларни бартараф этиш асосан ўзимизга боғлиқ экан, бу борада аҳоли, қолаверса кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб борсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, Юртбошимиз оила ва жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлодни турли салбий таъсирлардан асраш, ёш авлодни соғлом ўсиши каби олижаноб эзгу мақсадларни бош масала қилиб олганликлари бугун ўзининг ижобий натижаларини бериб, аҳолининг ўз саломатлигига бўлган эътибори ошиб, ёшларимиз интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб бормоқдалар. Ҳар бир самарали ишнинг узвий давоми бўлгани каби аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда ёшларимизни соғлом ва баркамол бўлиб ўсишлари учун соҳага оид чиқарилаётган қонун, қарор ва фармонлар моҳияти нечоғлиқ муҳимлигига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб келмоқдамиз.

Дарҳақиқат, 2011 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги 302-сонли Қонунининг қабул қилиниши ҳам халқимиз саломатлигини муҳофаза этишдаги асосий мақсадлардан бири эканлиги барчамизга маълум. Шундай экан тизимда бу борадаги ишлар ҳам тўғри йўлга қўйилиб, Қонун ижросини биринчи навбатда тизимдаги тиббиёт муассасалари фаолиятидан бошладик. Шунингдек, аҳоли, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида тарғибот ишлари кучайтириб юборилди.

Юқоридаги фикрларга хулоса қиладиган бўлсам, тизимдаги йўналишларнинг ҳаммасида ҳам ижобий ютуқларга эришиб келинмоқда. Лекин, иш бор жойда муваффақият ҳам, хато ва камчиликлар ҳам бўлади деганларидек, айрим йўналишларда ўзига хос муаммолар ҳам йўқ эмас. Албатта, мавжуд камчиликларни бартараф этишда барчамиз фаол бўлишимиз ва астойдил хизмат қилишимиз зарур.

Ҳаммамизга маълумки, жорий йилнинг 17-18 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 мартида 154-сонли фармойиши қабул қилинди. Албатта мазкур умумхалқ хайрия ҳашарида ҳаммамизнинг фаол иштирок этишимиз ҳамда Наврўз умумхалқ байрами арафасида тиббиёт муассасаларини ободонлаштириш, санитария-эпедимиологик ҳолатни яхшилаш учун жорий йилнинг март ва апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш

**(Давоми 3-бетда).**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ МАҚСАДЛАР

ойлигини ўтказишимиз муҳим деб биламан.

Шундан сўнг муҳим масалаларни ўз ичига олган видеоселектор кун тартибидан ўрин олган 7 та долзарб мавзу бўйича вазирликнинг мутасадди раҳбарлари маъруза қилдилар.

Биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Алимов «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси бўйича маъруза қилиб, унда вазирлик тасарруфидаги «Болалар уйлари тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёрдам бериш, маҳаллалар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, «Соғлом она – соғлом бола» тамойилига мувофиқ, оила саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фертил ёшдаги аёлларни ўз вақтида тиббий кўрикдан сифатли ўтказиш, аёллар ўртасида кўп учраётган онкологик ҳамда онадан болага ўтиши мумкин бўлган ОИТС касалликларининг олдини олиш, шунингдек, Оролбўйи ҳудудида истиқомат қилаётган оналар ва болалар саломатлигига эътибор қаратиш каби муҳим масалалар хусусида ўз фикрларини билдирган ҳолда бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириб, ҳамкорликдаги фаолиятларни янада изчиллик билан олиб бориш ва дастур ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

Иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Д. Аҳмедова Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишининг 2011 йил 25 февралдаги 01-277-сонли баёни ижроси юзасидан назорат ва чора-тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши борасида вазирликнинг 2011 йил 1 мартдаги 62-сонли буйруғининг бажарилиши юзасидан амалдаги фаолиятлар бўйича маълумот бериб ўтди. Шунингдек, 2012 йилнинг 10 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтганини алоҳида таъкидлади. Мазкур йўналишда ўтган йили ижобий натижалар қўлга киритилганлигини айтиб, вазирлик томонидан «Баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг тиббий асослари» (15 минг нусхада) ҳамда «Медицинские основы физического воспитания и спорта в формировании гармонично развитого поколения» номли (5 минг нусхада) услубий қўлланма ишлаб чиқилганлиги ва чоп этилиб, белгиланган муассасаларга етказилганлигини ҳамда мунтазам равишда спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланаётган 6-17 ёшдаги ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар электрон базасининг шакли тузилганлигини маълум қилди. Маърузачи айниқса, қизлар ўртасида спортни янада ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Юқоридаги ижобий натижалар билан бир қаторда, муайян камчиликлар мавжудлигига эътироз билдирди.

Шунингдек, вазирликнинг мутасадди раҳбарлари А. Яркулов она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратиб, ҳафталик доирасида ўтказилаётган тадбирлар самарали кечаётганлигини эътироф этди. Шу билан бирга, айрим тиббиёт муассасалари раҳбарлари вазифасига лоқайдлик билан қараётганлиги боис, улар томонидан берилаётган нотўғри маълумотлар ишлар самарадорлиги пасайишига олиб келаётганлигини баён этди. Л. Тўйчиев Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар даволаш-профилактика муассасаларида «Юқумли касалликларнинг иммунопрофилактикаси» санитария меъёр ва қоидалари бажарилиши ҳақидаги фаолиятларга урғу бериб, бунинг баробарида ижобий натижалар қаторида айрим тиббиёт муассасаларида учраётган хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини афсус билан маълум қилди. Д. Миразимов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги 302-сонли Қонун ижросини таъминлаш юзасидан вазирликнинг 2011 йил 15 ноябрдаги 07/1-705-сонли чора-тадбирлари режаси ижроси тўғрисида ўз фикрларини билдириб, бу борада муайян ишлар бажарилганлиги, шунингдек, аҳоли ва ёшлар ўртасида ичкиликбозлик ва тамаки чекувчилар сони камайиб бораётганлигини таъкидлади. Бунинг баробарида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бориб, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш муҳимлигини айтди. Б. Эргашев эса вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллик билан олиб бориш зарурлигига эътибор қаратди.

Шу ўринда айтиш лозимки, тизимда муҳим бир янгиликка қадам қўйилганлигини, яъни ҚВПларда юритилаётган янги шаклдаги тиббий ҳужжатлар тўғрисидаги фаолиятларни алоҳида эътироф этишимиз ўринлидир. Мазкур йўналишда вазирликнинг Даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш Бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Б. Одилова видеоселектор иштирокчиларига кенг тарзда маълумот бериб ўтди ва уларни янги ҳужжатлар намунаси билан таништирди.

**Телемулоқот тарзида ўтказилган бундай тадбирнинг асосий моҳияти шундан иборатки, республика миқёсида фаолият юритаётган раҳбарлардан тортиб, шифокору ҳамшираларнинг иштирок этиши таъминланиб, тадбир давомида кўрилган масалалар кенг аудиторияда муҳокама қилинди.**

**Видеоселектор кун тартибида кўрилган асосий масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

*Имконият*

# ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИДА ЮРИТИЛАДИГАН БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-2107-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан республикамизнинг қишлоқ жойларида яшовчи аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш мақсадида 3195 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилинган ҳамда кўрсатилаётган тиббий санитария ёрдами сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида зарур тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган.***

Қишлоқ врачлик пунктининг Низоми ва таркибий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги "Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 48-қарори билан ва ҚВПнинг меъёрий ҳужжатлари эса вазирликнинг 2009 йил 23 мартдаги 80-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Ушбу буйруқнинг 16-иловасида ҚВПда қўлланиладиган 27 турдаги ҳужжатлар рўйхати берилган. Бироқ ўрганиш натижаларига кўра, қишлоқ врачлик пунктларида 234 тага яқин журнал ва ҳужжат шаклидаги ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 131 таси вазирликнинг қатор буйруқлари билан тасдиқланган ва 103 таси тасдиқланмаган ҳужжатлардан иборат эканлиги аниқланди.

Вазирлик томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан мавжуд ҳужжатларни юритиш зарурияти ўрганилиб, ҚВП ходимлари учун қулай маълумот олиш ва ҳисобот тайёрлаш учун зарур бўладиган бир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатларни юритиш бўйича 2011 йил 20 февраль – 20 май кунлари Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг оилавий поликлиникалари ва Тошкент вилоятининг 10 та ҚВПларида тажриба ўтказилди.

Тажриба натижаларига кўра, жойлардаги тиббий ходимлар таклифлари инобатга олиниб, ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритилди ва республикадаги 130 та намунали ҚВПларда 3 ой муддатда (1 июль – 30 сентябрь) яна тажриба сифатида журналлар юритилди. Ушбу тажриба юзасидан тушунтириш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, олий ўқув юртлари, республика илмий марказларининг масъул мутахассислари иштирокида Тошкент шаҳрида ва махсус ишчи гуруҳ томонидан жойларда туман тиббиёт бирлашмаларининг ҚВП бўйича координаторлари ва мудирлари иштирокида олиб борилди. Тажриба натижалари бўйича Тошкент шаҳрида ишчи гуруҳ аъзолари ва ВСББнинг бош УАШ, бош ҳамширалари иштирокида 2 кунлик семинар ўтказилди. Семинар қатнашчилари таклифларига кўра ҳужжатларга яна тегишли ўзгартишлар киритилди.

Ишчи гуруҳ томонидан 13 турдаги янги журнал шакллари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг 4 таси мутлақо янги ҳужжатлар ва қолган 8 та журнал шаклларига тегишли ўзгартишлар киритилган.

***- Янги шаклдаги журналлардан бири бу оила паспорти бўлиб,*** *оила ва унинг ҳар бир аъзоси ҳақида тўлиқ бирламчи маълумот олиш имконини беради ва аҳолини рўйхатга олиш журнали ўрнига фойдаланилади. Журналнинг варақлари сони бириктирилган оилага нисбатан ҳисобланади (3000:5=600:2=300) ва 1 та оилага 1 та бет ажратилади. Журнал 5 йилга мўлжалланган бўлиб, қўшимча аниқ маълумот учун ҳудуд паспорти ва амбулатор карта кўрилади.*

***- Ҳудуд паспорти*** *давлат ва тармоқ тиббий статистик ҳисоботларини тайёрлаш учун дастлабки тиббий ҳисоб ҳужжати ҳисобланади ва ҚВПга бириктирилган аҳоли саломатлик ҳолати бўйича маълумотлар базаси саналади. 30 дан ортиқ журнал ва рўйхат шаклидаги ҳужжатлар ўрнига ишлатилади. Ҳудуд паспорти ҚВПдаги ҳар бир ҳудудга алоҳида тутилади (УАШ мавжуд ҳолатда). Агар ҚВПда аҳоли сони 6000 та бўлса-ю 1 та шифокор ишласа, у ҳолда 1 та журнал юритилади. Журналнинг варақлар сони бириктирилган аҳолига нисбатан ҳисоблаб чиқилади. Журнал 5 йилга мўлжалланган бўлиб УАШ томонидан тўлдирилади.*

***- Шифокорнинг кундалик қабул дафтари*** *УАШ фаолиятида фойдаланаётган 13 та журнал ва рўйхат шаклидаги журналлар ўрнига қўлланилади ва фақат УАШ томонидан тўлдирилади. Ҳар бир кун якунида амалга оширилган ишлар бўйича кундалик натижалар чиқариб борилади, шунингдек, ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлар мунтазам тайёрланади. Бу эса шифокорнинг ҳисобот тайёрлаш учун кетадиган вақтини тежашга ва унинг кундалик иш ҳажмини кўрсатиб берувчи ҳужжат ҳисобланади.*

***- Оила ҳамширасининг*** *кундалик журнали унинг фаолиятида қўллаётган 6 та журнал ўрнига ишлатилади ва ҳамширанинг ўзига бириктирилган ҳудудда амалга ошираётган фаолияти ва иш ҳажмини кўрсатувчи ҳужжат ҳисобланади.*




***- Шу билан бирга муолажа хонасида қон намуналарини олиш*** *ва натижаларни қайд қилиш журнали, муолажаларни қайд қилиш журнали, лабораторияда қон, пешоб, нажас ва суртма таҳлили журналлари, эмлаш хонаси журнали, доянинг қабул журнали, физиотерапия ҳамширасининг қабул журналларига ўзгартишлар киритилган ва ҳужжатларнинг янги шакллари тайёрланган.*

Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан ҳужжатлар ўрганилганда ҚВПда мавжуд ҳужжатларнинг айримларини ҚВПда тегишлилиги юзасидан юритишга ҳожат йўқлиги ва айрим ҳужжатларнинг маълумот турига кўра бирлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Олиб борилган ишлар натижасида ҚВПда юритиладиган 234 турдаги журнал ва рўйхат шаклидаги ҳужжатлар ўрнига 48 та журнал шаклидаги ҳужжатлар қолиши (уларнинг 8 таси дори-дармон ишлатилиши бўйича такрорий) кўзда тутилган.

**ҚВПларда янги шаклдаги ҳужжатларни юритиш учун қуйидаги ишларни режали амалга ошириш тавсия этилади:**

*1. Ҳужжатларни юритишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудий ишчи гуруҳлар тузиш ва уларнинг вазифаларини белгилаш;*

*2. Жойларда тушунтириш ишларини тизимли ташкил қилиш;*

*3. Ҳужжатларни юритиш бўйича доимий мониторинг ўрнатиш ва натижаларнинг таҳлилларини олиб бориш;*

*4. Ҳар бир ҚВП учун журналларга эҳтиёжни аниқлаш ва марказлашган ҳолда тайёрлаш масалаларини ҳал қилиш.*

**Барно ОДИЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш Бош бошқармаси етакчи мутахассиси.**

*Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади*

# ҚОНУН ИЖРОСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***2012 йилнинг 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Давлат санитария назоратига оид қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, мазкур масалага дахлдор бўлган мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахритдин Раджабов кириш сўзи билан очиб, республика тиббиёт тизимида олиб борилаётган амалий фаолиятларга алоҳида тўхталиб, кун тартибида кўриладиган мавзу хусусида ҳам ўз фикрларини билдириб ўтди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Улуғбек Вафоев «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси борасидаги ишларга урғу бериб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан самарали ишлар олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Нурия Айтжанова «Давлат санитария назоратига оид қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаролар соғлигини сақлашнинг асосий кафолати» тўғрисида маъруза қилиб, инсон соғлиги ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун устуворлиги асосий ўринга эга бўлиб, бу борада соғлиқни сақлаш тизимига оид 14 та қонунларнинг тартибга солинганлигини айтиб, мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда ўз фикрларини билдириб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи ўринбосари Баҳодир Ахунджанов «Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва санитария-эпидемик хотиржамлигини сақлашда «Давлат санитария назорати» тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти» мавзусида маъруза қилди. Тошкент юридик институти Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи кафедраси доценти Николай Скрипников «Давлат санитария назорати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишнинг долзарблиги» хусусида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Эътиборлиси шундаки, Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда биринчи навбатда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошишига, турмуш фаровонлиги яхшиланишига, юқумли ва вирусли касалликларнинг олди олинишига, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда унинг вертикал тузилмаси сақланишига олиб келди. Шунингдек, барча зарур профилактик ва эпидемияларга қарши тадбирлар ўтказилиши натижасида республикамизда оналар ўлими 2 баробарга, болалар ўлими 3 баробарга камайганлиги, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшгача етганлиги, бундан ташқари, эмлаш ишларининг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида қизамиқ, кўкйўтал, қоқшол, дифтерия, полиомиелит, паратит каби юқумли касалликларнинг олди олиниб, уларнинг кейинги йилларда қайд этилмаганлиги иштирокчилар томонидан айтиб ўтилди.



Тадбир давомида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бир қанча идора ва ташкилот вакиллари сўзга чиқиб, мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, яъни инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабати ҳамда ҳуқуқи билан боғлиқ, шунингдек, уларнинг саломатлигига хавф соладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, юқумли ҳамда вирусли касалликларнинг олдини олиш масалаларини тартибга солувчи «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1992 йилнинг 3 июлида қабул қилинганлигини таъкидлашиб, у ўзининг мукаммаллигига эгалигини ҳамда моҳиятини йўқотмаганлигига эътибор қаратдилар. Шу билан бир қаторда, ўзаро фикрлашувлар жараёнида мавжуд қонун ижросини янада такомиллаштириш ва назорат ишларини кучайтириш муҳимлиги айтиб ўтилди.

**Давра суҳбати якунида амалдаги “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш ва уни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор аниқ тавсиялар билдирилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

*Депутат минбари*

# КУЧЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИ ВА АТРОФ-МУҲИТ

***Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, халқимиз саломатлигини сақлаш, шунингдек, атроф-муҳит муҳофазаси, санитария-эпидемиология масалалари давлатимизнинг сиёсий устувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар инсон учун, унинг манфаати ва турмуш фаровонлигини янада яхшилаш ҳамда соғлом яшашига қаратилгандир.***



Шу ўринда эътироф этиш жоизки, инсон соғлиги ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун устуворлиги асосий ўринга эга бўлиб, бу борада соғлиқни сақлаш тизимига оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида соҳага оид 14 та қонуннинг тартибга солинганлиги, Юртбошимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарор ва фармонлари қабул қилинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзуидаги маърузасида “...агарки, биз иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий сиёсий ва суд ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз”, деб билдирган фикрлардан келиб чиққан ҳолда** фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, атроф-муҳит муҳофазаси, санитария-эпидемиология масалалари соҳасидаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ҳамда нормаларни ишлаб чиқиш ҳар биримизнинг диққат-эътиборимизда бўлмоғи лозимдир.

Маълумки, бугунги кунда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида юқумли касалликлар ўрнига юқумли бўлмаган ҳамда инсонлар ҳаётига хавф солувчи касалликларнинг кириб келиши, аҳолининг касалланиш, ногиронлик, ўлим сабаблари орасидаги юрак, қон-томир, саратон, камқонлик ва ўпканинг носпецифик касалликлари етакчи ўринларни эгаллаши, дунё аҳолиси орасида гиёҳвандлик, токсикомания, ОИТС каби касалликлар кенг тарқалмоқда. Жамоа саломатлигига салбий таъсирга эга бўлган омиллар бир давлат чегарасидан чиқиб, дунё миқёсида ўз ечимини топиши лозим бўлган масалага айланди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, яъни инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабати ҳамда ҳуқуқи билан боғлиқ, шунингдек, уларнинг саломатлигига хавф соладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, юқумли ҳамда вирусли касалликларнинг олдини олиш масалаларини тартибга солувчи “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1992 йилнинг 3 июлида қабул қилинди. Бугунги кунга қадар ушбу қонун нормаларига 1995, 1999, 2000, 2006 ва 2010 йилларда ўзгартиришлар киритилди.

Республикада давлат санитария назорати тизими яратилган бўлиб, давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманлар давлат санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, яъни 216 та давлат санитария-эпидемиологик марказлари томонидан амалга оширилмоқда.

**Мазкур Қонун билан тартибга** солинадиган муносабатлар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

*- аҳолини юқумли, вирусли ва ўта хавфли инфекциялардан асраш;*

*- соғлом, қулай атроф-муҳит шароитлари билан экологик хавфсизликни таъминлаш;*

*- корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда алоҳида шахслар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлигини таъминлаш борасидаги талаблар ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши;*

*- аҳолини хавфсиз, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва ичимлик суви билан таъминлаш;*

*- давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар томонидан корхона, ташкилот ва муассасалар, якка тартибдаги жисмоний шахслар фаолиятида санитария-гигиена қоидалари ва нормаларига риоя этилиши борасида қонун талабларининг бажарилиши.*

Ҳақиқатдан ҳам алоҳида таъкидлаш муҳимки, Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда биринчи навбатда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошишига, турмуш фаровонлиги яхшиланишига, юқумли ва вирусли касалликларнинг олди олинишига, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда санитария-эпидемиологик хизматининг вертикал тузилмаси сақланишига олиб

**(Давоми 5-бетда).**

# КУЧЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИ ВА АТРОФ-МУҲИТ

келди. Шунингдек, барча зарур профилактик ва эпидемияларга қарши тадбирлар ўтказилиши натижасида республикамизда оналар ўлими 2 баробарга, болалар ўлими 3 баробарга камайганлиги, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшгача етганлиги, бундан ташқари, эмлаш ишларининг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида қизамиқ, кўкйўтал, қоқшол, дифтерия, полиомиелит, паратит каби юқумли касалликларнинг олди олиниб, улар кейинги йилларда қайд этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан **“Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши Қашқадарё, Навоий ва Фарғона вилоятларида ўрганилганда,** қонун ижроси бўйича амалдаги ижобий ишлар билан бир қаторда, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кейинги 3-5 йиллар давомида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида ёки доимий комиссияларда муҳокама этилмаганлиги сабабли, бу соҳага жиддий эътибор берилмаётганлиги аниқланди. Демак, бундай ҳолатларни бошқа вилоятлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўрганиш жараёнида жойларда Қонуннинг 14-моддасига биноан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, ташиш, сотиш билан шуғулланувчи корхона ҳамда муассасаларнинг тиббиёт-биология талабларига, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишлари шартлиги хусусидаги норма белгилаб қўйилган бўлса-да, бугунги кунда мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган субъектлар томонидан айнан шу масалада хато ва камчиликлар, лоқайдлик ҳамда қонунбузарликлар содир этилаётганлиги, бундан ташқари, айрим шаҳар ва туманлардаги озиқ-овқат маҳсулотларига дахлдор бўлган муассасаларда санитария-гигиена қоида ва нормаларининг бузилиши, шунингдек, Қонуннинг 17-моддасига биноан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот ва бирлашмалар, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар таълим муассасалари ва корхоналарига санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши шарт деб белгиланган бўлсада, ўрганиш жараёнида мактабларнинг бирортасида ҳам ошхона мавжуд эмаслиги, мавжуд 10 фоиз буфетларнинг айримлари санитария қоида талабларига жавоб бериши аниқланди.



Қўмита назорати томонидан “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатлари ўрганилганда амалдаги Қонунда **аҳолининг санитария-эпидемиологик хавфсизлиги, давлат санитария-эпидемиологик назорати, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормалари, санитария-эпидемия, санитария-гигиена, санитария-экология, санитария талаблари** тушунчалари ва мазмун-моҳияти очиб берилмаган. Шу боис, Қонунни такомиллаштириш мақсадида иш олиб бораётган бир гуруҳ депутатлар томонидан алоҳида модда билан “Асосий тушунчалар” моддаси киритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунда давлат санитария назорати ва текширувини амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқларини белгилаш, фуқароларнинг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашдаги масъулиятларини оширишга қаратилган нормаларни шакллантириш ҳақидаги модда билан тўлдириш.

Шунингдек, амалдаги қонунда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг, аҳолининг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мажбуриятлари билан бир қаторда, уларнинг ҳуқуқларини, яъни санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилишда амалий ёрдам олишларининг ҳуқуқий асослари белгиланмаган.

Фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб бориш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирокини ҳамда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” дастурини амалда бажарилишини таъминлаш учун инсон саломатлигини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонунларнинг ижросида фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини белгилайдиган алоҳида модда билан белгилаш масаласи зарур деб ўйлайман.

“Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир вилоят ҳокимлиги томонидан билдирилган таклифлар ўрганилганда қуйидагилар, яъни:

*- бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида савдо фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилишини назорат қилиш, яъни глобаллашув даврида янги юқумли касалликларнинг кириб келишини инобатга олиб республикамиздаги текширишларни координация қилиш бўйича ишлаб турган қонунга санитария соҳасига, яъни эпидемик аҳамиятга эга бўлган объектлардаги назорат ишларини олиб боришда мазкур соҳага эркинлик бериш;*

*- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган санитария меъёри ва қоидасининг таъсир доирасини ва ижро мажбурлигини ошириш масалалари;*

*- аҳолини санитария-гигиена масалаларида хотиржамлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган озиқ-овқат, саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мунтазам равишда намуналар олиш ҳуқуқини Давлат санитария назорати марказларига бериш;*

*- аксарият жойлардан келиб тушган таклифлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларда санитария-гигиена қонун-қоидаларига амал қилинишини назорат қилиш учун ДСЭНМ мутахассисларининг ўз хизмат ваколатлари доирасида мувофиқлаштирувчи Комиссия аралашувисиз белгиланган тартибда текширишлар олиб боришга рухсат этилиши маълум бўлди.*

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, аҳолининг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат давлат назоратини кучайтириш, балки, фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини ҳам кучайтириш зарурдир. Чунки фақат давлат ёки идоравий назорат билан санитария-эпидемиологик барқарорликка эришиб бўлмайди. Бу ерда жамоатчиликнинг фикри муҳим аҳамиятга эгадир.

**Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг асосий принципи жамиятни демократиклаштириш ва янгилаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни янада эркинлаштиришда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир.**

**Нурия АЙТЖАНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

**(Давоми. Боши 4-бетда).**

*Семинар*

# ИЛҒОР ТАЖРИБА ЎРГАНИЛДИ

***Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмасида пуллик тиббий ва сервис хизматларини ташкил этиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди.***

Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида Юртбошимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш чора-тадбирлари олиб борилмоқда. Ана шу мақсадда уюштирилган мазкур тадбирда Наманган шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, вилоят ихтисослашган даволаш-профилактика муассасалари бош шифокорлари қатнашдилар.

Анжуманнинг назарий қисмида тиббиёт муассасаларида пуллик тиббий ва сервис хизматларни йўлга қўйиш масалалари бўйича тушунчалар берилди. Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Неъматилла Қирғизбоев соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар баробарида амалга оширилаётган фаолиятлар, аҳолига малакали ва кафолатли тиббий хизмат кўрсатишнинг ушбу йўналиши истиқболлари, унинг врачлар ва ҳамшираларни иш билан банд этишдаги аҳамияти беқиёслигини таъкидлади.

Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Иброҳимжон Султонов марказий шифохонада очилган 66 ўринли хўжалик ҳисобидаги терапия ва жарроҳлик бўлимлари, улар қошида фаолият юритаётган фитобар, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси каби кўплаб сервис хизматлари боис, қисқа фурсатда бюджетдан ташқари 320 миллион сўм миқдорида фойда кўрилганлигини таъкидлаб ўтди. Чуст ва Тўрақўрғон туманлари тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари Олимжон Қосимов, Муҳаммаджон Деҳқонов ва вилоят ДПМлари раҳбарлари Янгиқўрғон тажрибаси асосида хўжалик ҳисобидаги бўлимлар очиш, сервис хизматларини шакллантиришга оид қатор масалаларга ойдинлик киритдилар. Татбиқ қилинаётган янги иш услуб ва шаклларини янада оммалаштириш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ўртага ташланди.

Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси Хусусийлаштириш ва пуллик хизмат бўлими бошлиғи Ҳошимжон Асқаров, бошқарма бош ҳисобчиси Шодмонжон Қўчқоровлар эса ўз чиқишларида аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида ташкиллаштирилаётган пуллик тиббий ва сервис хизматларининг молиявий жиҳатлари ҳақида батафсил тўхталдилар. Тадбир давомида иштирокчилар хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи жарроҳлик ва ички касалликлар бўлимларида яратилган



шароитлар билан танишдилар. Шунингдек, фитобар ва бошқа сервис хизматларининг афзалликларидан баҳраманд бўлаётган даволанувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

– Кўргазмали семинар бизда катта таассурот қолдирди, – *дейди вилоят эндокринология диспансери бош врачи Тоҳиржон Шокиров.* – Бу янгиликни барча даволаш-профилактика муассасаларида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

– Изланган имкон топади, деб бежиз айтишмаган экан. Янгиқўрғонлик ҳамкасбларимизнинг бозор тамойиллари асосидаги изланишлари чиндан ҳам ибратли, – *дея суҳбатга қўшилди вилоят болалар юқумли касалликлари шифохонаси бош шифокори Жакбарали Қурбонов.*

**Халқимиз саломатлиги йўлидаги ана шундай эзгу ниятли ишлар янада бардавом бўлиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошишида бундай кенг кўламли фаолиятлар ўз натижасини бериши шубҳасиз.**

**Абдулла ҒОЗИЕВ.**
**Аъзамжон АКБАРОВ олган сурат.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

# 24 март – БУТУНЖАҲОН СИЛ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

## СИЛ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

***Сил оғир сурункали юқумли касаллик бўлиб, инсоннинг барча аъзоларини зарарлайди. Шуни ҳам айтиш керакки, касаллик чегара билмайди. Бу соҳада республикамизда ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги давр фтизиатрия фанининг ривожланиши сил хасталигини даволаш учун кенг имкониятлар яратади.***

Сил касаллигини даволашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

**1. Кимётерапия ўз вақтида имкон қадар барвақт бошланиши самарали даволанишнинг асосидир.**

Сил касаллигини барвақт аниқлаш ва ўз вақтида даволаш сил жараёнининг кичик ҳажмдаги енгил, инволютив кечадиган турларининг қолдиқ ўзгаришларсиз батамом сўрилиб кетишига олиб келади. Жараён кеч аниқланганда, фиброз-ковакли ўзгаришлар ривожланиши, бронхлар дренажининг бузилиши даволанишни қийинлаштиради ва кўпинча бошқа касалликлар қўшилиши дориларнинг ножўя таъсири ҳамда уларга турғунлик эса даволаш самарасини ёмонлаштиради.

**2. Махсус силга қарши дориларнинг қўлланилиши.**

Иккита ва ундан ортиқ кимёвий дориларни бирга қўллаш, уларнинг бактериостатик хусусиятларини кучайтиради ҳамда дориларга турғунлик ривожланишининг олдини олади.

**3. Силни даволаш муддати.**

Силнинг тури, даври сил микобактерия ажратиш муддати, дориларга турғунлик, даволаш самараси билан белгиланади.

**4. Сил касаллигини даволашнинг давомийлиги.**

Силга қарши дориларни узоқ вақт давомида стационар, санаторий ва амбулатория шароитида мунтазам қабул қилиш самарали даволашнинг асосларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, буюрилган дориларни мунтазам қабул қилмаган беморларда сил жараёни қайталаниши ҳамда дориларга турғунлик ривожланиш хавфи юқори бўлади.

5. Силга қарши дориларнинг меъёрий миқдорини тавсия этишда беморнинг ёши, вазни, қўшилиб кечаётган хасталикларнинг бор ёки йўқлигини инобатга олиш керак. Дориларнинг энг меъёрий кундалик миқдорини аниқлашда уларниг дифаруз хусусиятлари, бемор қонидаги миқдорини организмдан чиқиб кетиш йўллари ва вақтини ҳисобга олиш лозим.

6. Силга қарши дорилар беозор усулларда (кўпроқ таблетка, капсула, кукун, этамбутол) юборилиши керак. Пиразинамид, стрептомициннинг эса кундалик миқдорини бир маҳал ичиш мақсадга мувофиқ. Стационарларда силга қарши дориларни бемор ҳар куни канда қилмай ичиб туриши керак.

**СИЛ ВА АЛКОГОЛИЗМ**

Алкоголизмга дучор бўлган беморлар жуда хавфли ижтимоий ва эпидемиологик гуруҳни ташкил этади. Уларнинг даволаниши ва силдан соғайиши жуда қийин кечади. Сурункали алкоголизмга дучор бўлган беморлар орасида сил жуда кўпчиликни ташкил этади. Бир вақтнинг ўзида сил ва сурункали алкоголизм билан асосан 30-60 фоиз эркаклар касалланади. Алкоголизм билан оғрийдиган беморлар сил билан касалланиш хавфи юқори бўлган контингентга киради. Кўпинча алкоголизмга ўпка сили қўшилади. Камроқ ҳолларда сил беморларда алкоголга қарамлик ривожланади. Алкоголизмда даврий равишда кўп миқдорда ичкилик ичиш иммун тизим фаолиятини бузади. Алкоголь ўпка алвиоляр эпителисини шикастлайди, макрофагларни ҳалок қилади. Бронхлар деворининг яллиғланган инфильтрат билан қопланишига имкон беради. Бу ўзгаришлар ўпкада маҳаллий ҳимоя реакцияларини сусайтиради ва сил микобактериялар билан зарарланганда специфик яллиғланиш реакцияси учун қулай шароит яратади. Узоқ муддатли алкоголли заҳарланиш метоболик жараёнларни бузади, жигар ва бошқа ички аъзоларда дегенератив ва деструктив ўзгаришлар пайдо қилади. Шунингдек, сил ривожланишига ёрдам беради. Қисқаси сурункали беморлар ўз соғлигига тўғри баҳо бера олмайди. Улар даврий тиббий кўриклардан бош тортишади, абстинент ҳолатларга боғлиқ ҳолда ўз хулқини назоратга олмайди, касаллик белгилари мавжуд бўлса ҳам шифокорга кеч мурожаат қилишади. Алкоголизм билан оғриган беморларда силнинг турли шакллари учрайди. Лекин кўпинча бошқа гуруҳ беморларига нисбатан фиброз-ковакли сил кўпроқ аниқланади. Алкоголизмнинг 3-босқичида беморларда кўп ҳолларда казсозли зотилжам аниқланади. Силнинг клиник кечишига кўпинча алкоголизмга қўшилиб келувчи ошқозон-ичак йўли юрак қон-томир тизими, бош мия ва периферик нервлар патологиялари таъсир қилади. Сурункали алкоголизм сил билан асоратланганда кўпинча ичишга берилиш, алкоголизм психоз билан оғир кечади. Сил ва алкоголизм билан касалланган беморлар балғами текширилганда одатда сил микобактериялари топилади. Ўпканинг рентгенологик кўриниши бошқа сил беморлариникидан фарқ қилмайди. Сил ва алкоголизм билан касалланган беморлар катта эпидемик хавф туғдиргани, шунингдек, кимётерапия ўтказишда қийинчиликлар мавжуд бўлгани учун жарроҳлик йўли билан даволашга кўрсатмалар кенгайтирилиши операциядан олдинги кимётерапия муддатлари иложи борича қисқартирилиши лозим.

**Гавҳар БЕКИЕВА,**
**Тошкент вилоят силга қарши кураш диспансери даволаш бўлими мудири.**

## ЎПКАДАН ТАШҚАРИ СИЛ ВА ОРТТИРИЛГАН ИММУН ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ



***Сил – умумий юқумли касаллик бўлиб, организмнинг ҳамма жойларини шикастлаши мумкин. Ўпкадан ташқари сил, ўпка силидан фарқли равишда эпидемик ҳолат ривожланишида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ўпкадан ташқари сил 10 фоизни ташкил этади.***

Сил таёқчалари организмга тушгандан сўнг, узоқ вақт яшовчанлигини сақлаб қолади. Орадан йиллар ўтгандан сўнг организм учун нохуш шароитлар таъсирида ўпка, буйрак, лимфа тугунлари, қорин бўшлиғи аъзолари, тери, марказий нерв тизимини ва бошқа аъзоларда сил ривожланиши мумкин. Орттирилган иммун танқислиги вируси (ОИВ) чақирилган касалликнинг пандемияси, дунё миқёсида сил бўйича эпидемиологик ҳолатни тубдан ўзгартириб юборади. Дунёнинг кўп мамлакатларида аҳолининг катта қисми сил микобактерияси билан зарарланган бўлиб, орттирилган иммун танқислиги вируси инфекциясининг тарқалиши, сил беморлар сони ҳам кўпайишига олиб келади. Сил ОИВ инфекцияси билан зарарланганларда энг кўп учрайдиган оппортунистик инфекция ҳисобланади. ОИВ одамнинг иммун ҳимоясини енгади, бу эса организмдаги яширин сил инфекциясини фаоллашувига олиб келади. Бундан ташқари, ОИВ инфекцияси бўлган шахслар иммун танқислик сабаби ҳар қандай бошқа инфекцияга қарши туролмайди. Шунинг учун бу шахслар сил касаллиги билан касалланишига мойилдирлар. Ўлим хавфи сил ва ОИВ инфекцияси бўлган беморларда ОИВ инфекцияси йўқ шахсларга қараганда 3-7 баробар юқоридир.

Орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС) мавжуд беморларда ўпкадан ташқари силнинг диагностикаси мураккаб бўлиб, замонавий асбоблардан фойдаланишга тўғри келади. Клиник диагностиканинг замонавий ютуқлари, кўпинча текшириш усулларини ривожлантириш билан аниқланади. Ҳозирги вақтда рентген ва радиологок усулларидан ташқари, тиббий тасвирларни янги усуллар билан текшириш кенг қўлланилмоқда. Компьютер ва магнит-резонанс томография, ультратовуш текшириш шулар жумласидандир. Бу текшириш усулларининг ичида ўзининг зарарсизлиги, юқори кўрсаткич бериши, нисбатан арзонлиги, кўп маротаба текшириш имкони борлиги билан ультратовуш текшириш тезда тиббиётнинг ҳамма соҳаларига, шу жумладан фтизиатрияга кириб келди. Юрак, қон-томир, қорин бўшлиғи аъзолари, буйрак ва жинсий аъзолар, эндокрин безлари, суяк-бўғим ва лимфа тизими касалликларини текширишда ультратовуш текширув катта имкониятлар очиб берди. Бу усулнинг асосий хусусияти соғлом ва патологик аъзоларнинг жойлашуви, унинг тўқимаси, патологик ҳосиллар ҳақида аниқ маълумотлар бериш билан боғлиқдир. Маълумки, сил – шакл ва клиник-морфологик кўринишлари кўп қиррали, умумий келиб чиқиш сабаблари бир хил касалликдир. Беморга сил юққанда организмнинг ҳамма аъзо ва тизимлари шикастланиши мумкин. Сил фақат ўпкада эмас организмнинг ҳамма аъзоларида бўлиши мумкин. Ўпкадан ташқари сил кўпинча буйрак, суяк-бўғим аъзолари, жинсий аъзолар, қорин бўшлиғи аъзолари, лимфа тугунларида бўлиши мумкин. Бу беморларда касаллик клиник яширин ҳолатда бўлади, бошқа касалликларга ўхшаб кетади. Ва уларни топиш учун фақат юксак даражадаги усуллар, шу жумладан, ультратовуш текшириш усулларини қўллаш мумкин. Буйраклардаги силда беморлар узоқ вақт урологда сурункали пиелонефрит, цистит, буйрак тоши касаллиги ва бошқа диагнозлар билан даволаниб юради. Эркак ва аёл жинсий аъзолари силида, беморлар узоқ йиллар давомида андролог ва гинекологда бепуштлик билан самарасиз даволаниб юрадилар. Суяк-бўғим силида беморлар остеохондроз, умуртқа чурраси, оқма яралар билан травматолог, невропатолог ва хирургларда самарасиз даволанадилар. Қорин бўшлиғи аъзолари силда беморларга хирургларда аппендицит, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак яраси, ичак тузилиши ва бошқа диагнозлар билан хирургик муолажалари ўтказилади ва беморлар аҳволи ёмонлашгач, силга қарши диспансерларга юборилади. Ташқи лимфа тугунлар сили билан беморлар кўпинча онкологларда самарасиз даволанадилар. Ҳозирги эпидемиологик аҳвол, ОИВ-инфекцияси билан зарарланганларнинг кўпайиши ва сил патоморфозининг ўзгариши натижасида ўпкадан ташқари сил шакллари кўпайиб боряпти. Буйрак, жинсий аъзолари, суяк-бўғими тизими аъзолари, лимфа тугунлари сили, қорин бўшлиғи аъзолари сили шулар жумласидандир. Марказимизда Марказий Осиёда биринчи бўлиб ўпкадан ташқари аъзолардаги силни эрта аниқлашда ультратовуш текширувидан кенг қўлланилмоқда. Бу усул ёрдамида буйраклар, эркак ва аёл жинсий аъзолари, лимфа тугунлари, қорин бўшлиғи аъзоларидаги деструктив емирилишлар тезда аниқланиб, ўз вақтида асоратларсиз даволанмоқда.

**Миразим ҲАКИМОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази катта илмий ходими.**

*Миннатдорчилик*

## ТАҲСИНЛАР АЙТСАМ АРЗИЙДИ

**Наманган вилояти, Наманган тумани, Хўжақишлоқ қишлоғида истиқомат қилувчи II гуруҳ ногирони Мунира Жўраева** бизга йўллаган ташаккурномада қуйидагиларни баён қилган:

– Мен 2002 йилдан буён азоб чекиб келаётган дарддан фориғ бўлганимдан мамнунланиб, саломатлигимни тиклашда ўз ёрдамларини аямаган қуйидаги тиббиёт ходимларига чин қалбимдан ташаккур изҳор этмоқчиман: аввало касаллигимга тўғри ташҳис қўйишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош онкологи Мирза Ғафур-Охуновга, операциядан муваффақиятли чиқишимда Республика онкология илмий маркази бош бўйин бўлими раҳбари, профессор Баҳром Юсупов ҳамда даволовчи врач Акбар Ҳасановларга чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Шунингдек, марказнинг маммология бўлими мудири Нигора Эркиновна, бош ҳамшира Мамлакат Баширова ва Наманган вилоятидаги барча шифокорлардан беҳад хурсандман. Тиббиёт муассасаларида яратилган барча шарт-шароитлар учун Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳар қанча таҳсинлар айтсам арзийди.

Ўз касбининг фидойилари бўлган юқорида тилга олинган врачларга чексиз миннатдорчилик билдириб, мустаҳкам соғлиқ тилайман.

**2012 йил шиори: «ҲАЁТИМ ДАВОМИДА СИЛ КАСАЛЛИГИНИ ТЎХТАТИШ»**

*Советы специалиста*

# БОТУЛИЗМ И МЕРЫ ПО ЕГО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЮ

***Среди инфекционных заболеваний значительный удельный вес составляют острые кишечные инфекции, в том числе те, которые возникают от употребления пищи, содержащей большое количество микробов или их токсинов – это так называемые бактериальные отравления. К числу таких заболеваний относится ботулизм.***

Ботулизм – заболевание редкое, но очень тяжелое, порой приводящее к смерти. Поэтому знать, от чего оно возникает и каковы меры его предупреждения, очень важно.

Это грозное заболевание вызывается микробом «ботулинус», который, попадая на пищевые продукты, выделяет при своем разрушении яд (токсин), являющийся одним из наиболее сильных бактериальных ядов, встречающихся в природе.

Возбудители ботулизма широко распространены в природе и обнаруживаются в почве, воде, кишечнике рыб и животных.

Микроб-ботулинус образует споры, размножается без доступа воздуха (строгий анаэроб). Вот почему так важно соблюдать гигиенические правила при домашнем консервировании: ведь в закатанных банках создаются бескислородные условия. Различают шесть типов микробов ботулизма: А, В, С, Д, Е, F, отличающиеся по свойствам вырабатываемых ими токсинов.

Сами по себе микробы не устойчивы, во внешней среде они погибают при кипячении, чувствительны к кислой среде, а вот споры их очень устойчивы. Они хорошо переносят кипячение в течение 5-ти часов, не погибают при низких температурах. Единственным способом уничтожения спор является стерилизация содержимого консервов при температуре 120°С. Поэтому консервированные продукты промышленного изготовления причиной ботулизма почти не бывают: применяемое при их изготовлении автоклавирование обеспечивает гибель палочек и их спор.

При благоприятных для жизнедеятельности спор условиях (герметически закатанные банки, где отсутствует кислород, хранение консервов при температуре 16-18°С, нарушение технологии их изготовления и др.) они прорастают в микробы ботулинуса, которые, размножаясь и разрушаясь, выделяют токсины.

Характерной особенностью токсинов является их свойство не разрушаться в желудочно-кишечном тракте под влиянием пищеварительных соков.

Итак, основной причиной ботулизма является ботулинический токсин, который, находясь в пищевом продукте, употребляемом человеком, вызывает заболевание. Из крови токсин проникает в органы, поражает клетки различных тканей, нервной системы, кровеносных сосудов, ткань головного мозга, мышц.

Ботулизм по своему течению не всегда напоминает пищевое отравление, так как расстройство кишечника может и быть, а такие симптомы, как недомогание, вялость, разбитость, сухость во рту, ощущение жажды, появляющиеся через 8-12 часов после еды, больной связывает с чем угодно (перееданием и т.п.), но не с употреблением домашних консервов, рыбы, окороков. К исходу 1-2 суток от начала заболевания появляются более грозные симптомы. Больной плохо видит, как бы через сетку, перед глазами «пелена», видимые предметы «двоятся». Веко на одном из глаз опускается, глотание затрудняется, речь невнятная. Больные жалуются на «замирание сердца», расстройство дыхания, причиной которого являются поражения межреберных и диафрагмальных мышц.

Если заболевший своевременно не обратится к врачу и не получит специфического лечения (введение противоботулинической антитоксической сыворотки), смерть при ясном сознании может наступить на 2-3 день заболевания. Поэтому, учитывая опасность, все больные ботулизмом, независимо от тяжести заболевания, подлежат госпитализации.

Заболеваемость ботулизмом, связанная с употреблением рыбы и свинины домашнего посола, возрастает летом (июнь, август). Случаи ботулизма, вызванные грибами, как правило, наблюдаются зимой, так как консервированные овощи, фрукты, грибы обычно употребляются в осенне-зимние месяцы года.

Заболевание в основном вызы-



вается продуктами домашнего приготовления. Это, в первую очередь, грибы, консервированные в герметически закрытых банках, мясные консервы, рыба соленая, вяленая, окорока.

Особенно опасны овощи и фрукты домашнего приготовления, консервированные с нарушением технологии: баклажанная икра, перец фаршированный, огурцы, черемша, компоты.

В этих случаях, как правило, нарушение состоит в том, что овощи и фрукты плохо отмываются от почвы, в которой распространены споры палочки ботулизма. Оставшись в консервах, споры при хранении, да еще в герметически закрытой посуде (без кислорода), при повышенной температуре даже после кипячения в течение 30-60 мин., прорастают в ботулиновые микробы, которые, разрушаясь, образовывают токсин.

Из мясных продуктов домашнего приготовления наибольшую опасность в отношении ботулизма представляют сырокопченые окорока.

Нарушение санитарных и технологических правил, которые иногда допускают при приготовлении окороков, могут привести к их заражению возбудителем ботулизма, к его размножению и токсинообразованию. Это и убой свиньи на земле или в свинарнике, где при разделке туша может быть загрязнена частицами земли и навоза и инфицирована микробом ботулизма (спорами), и теплый посол окороков в летнее время (при отсутствии льда, ледника, холодильника), в результате чего споры могут прорасти, размножение микроба и образование токсина внутри окорока при температуре, не превышающей 35-40°С,



его употребление без варки в сыром виде.

Рыба может инфицироваться спорами ботулизма из кишечника, через повреждения во время ее улова, при ее транспортировке. Поэтому в целях профилактики ботулизма пойманную рыбу следует немедленно охладить или заморозить. Таким образом, к моменту обработки она сохранится свежей, незагрязненной. При посоле рыбу надо выпотрошить. Солить ее рекомендуется холодным способом.

Перед переработкой овощей и фруктов их необходимо вымыть в проточной или часто сменяемой воде. Особенно тщательно следует мыть зелень и пряности, входящие в состав всех закусочных консервов.

В заключение следует отметить, что условия домашней заготовки баночных консервов не обеспечивают в достаточной мере их безопасность в отношении ботулизма. Дело в том, что их тепловая обработка производится в кипящей воде, то есть при температуре, не превышающей 100°С. А при такой температуре споры палочки ботулизма не погибают.

Итак, как предупредить ботулизм? Как сделать, чтобы домашняя заготовка «даров лета» – овощей, фруктов, грибов – приносила удовольствие, а не беду?

В целях профилактики этого заболевания при домашнем консервировании необходимо выполнять следующее:

*– соблюдать гигиенические правила, предохраняющие продукты от попадания в них возбудителя. Учитывая, что палочка ботулизма довольно широко распространена в природе, большое значение при обработке сырья имеет чистота. Огурцы, грибы, овощи, фрукты и т.д. тщательно очищаются и промываются проточной водой;*

*– при консервировании нельзя герметически закупоривать мясо, рыбу, а также грибы и зелень, например, портулак и укроп, стелящиеся по земле*;

*– для консервирования нужно подбирать свежие и абсолютно неповрежденные плоды;*

*– хранить продукты домашнего консервирования надо при температуре не выше 100°С в сухом чистом помещении. Лучше делать консервы из овощей, фруктов, ягод одного сезона;*

*– нельзя употреблять в пищу продукты из банок со вздутыми крышками, даже если они изготовлены в промышленных условиях и приобретены в магазине;*

*– сырокопченые окорока перед подачей на стол лучше отварить или поджарить.*

При соблюдении всех вышеуказанных мер можно избежать заражения ботулизмом

**Лариса БУНИЧ,**
**врач-методист**
**Ташкентского филиала**
**Республиканского института**
**здоровья и медицинской**
**статистики.**

# ПРОФИЛАКТИКА СКОЛИОЗА

***Сколиоз – болезнь, существующая с древних времен. Появляется это заболевание после неправильных регулярных нагрузок на тот или иной отдел позвоночника.***

Например, после долгого пребывания в одной и той же позе, когда развивается статистическая перегрузка мышц. Кроме того, сколиоз бывает врожденным, и даже если у родителей ребенка сколиоза нет, это вовсе не означает, что у будущего малыша он не появится, так как нарушение питания во время беременности может спровоцировать развитие этой болезни у ребенка.

О серьезности заболевания говорят проблемы, вытекающие из искривления позвоночника. Деформация позвоночника ведет к изменению нормального соотношения частей туловища: одно плечо делается выше другого, лопатки находятся не на одном уровне и значительно начинают выступать, появляется асимметрия молочных желез, перекашивается таз при поясничном сколиозе, вплоть до отклонения туловища в сторону.

Кроме всего вышеописанного, сколиоз является причиной нарушения функций легких, сердечно-сосудистой, нервной систем, а также может привести к нарушению работы кишечника. Позвоночник, искривляясь, способствует смещению или сдавливанию органов. Последствиями сколиоза могут быть головные боли, ангины, ухудшение зрения и слуха, гипертония, боли в лопатках, спине, пояснице, в суставах. У детей сколиоз может стать причиной энуреза, заикания невроза.

Профилактика сколиоза – это прежде всего здоровый образ жизни, который включает в себя лечебную физкультуру, занятия спортом, правильное рациональное питание, богатое белками, кальцием и витаминами.

Однако самый лучший вид профилактики сколиоза – плавание. Во время плавания позвоночник получает равномерную нагрузку на все группы мышц, формирует торс и остов организма. Помимо плавания существует и специальная гимнастика, которая помогает укрепить мышцы спины и устраняет искривление позвоночника. На сегодняшний день это единственный способ лечения сколиоза в домашних условиях. Простой комплекс упражнений не отнимет много времени, его рекомендуется выполнять каждый день, или, в крайнем случае, через день. Снимите лишнюю одежду и через полтора часа после еды можете приступать.

**1 упражнение.** Сядьте на пол и выпрямите ноги. Руки положите на колени. Поднятие рук сопровождайте отклонением корпуса назад, опускание рук – вперед. Повторите упражнение 5 раз.

**2 упражнение.** Лягте на живот так, чтобы лоб коснулся пола. Расслабьтесь. Медленно отклоняйте голову назад усилием мышц спины. Затем включайте в процесс подъема туловища руки. Затем медленно опустите тело на пол. Повторите упражнение 2-3 раза.

**3 упражнение.** Лежа на животе, постарайтесь руками ухватиться за стопы и соедините пятки вместе. Затем постарайтесь поднять корпус вверх и подтяните кверху и ноги. Повторите 2 раза

**4 упражнение.** Лягте на спину. Положите обе ладони на пол и напрягите плечи и начинайте подтягивать колени к животу до тех пор, пока они не окажутся под прямым углом к полу, а затем выпрямите ноги и забросьте их за голову (только делайте это аккуратно и после консультации доктора). Вернитесь в исходное положение, повторите упражнение 2-3 раза.

**5 упражнение.** Стоя вытяните руки перед собой и наклонитесь вперед. Старайтесь не сгибать ноги в коленях. Возьмите руки в замок позади коленей и прижмитесь к ним лбом. Затем медленно выпрямите корпус. Повторите упражнение 4 раза.

**6 упражнение.** Сидя на полу со скрещенными ногами, возьмите руки в замок за спиной. Позвоночник держите прямо и медленно поднимайте выпрямленные руки за спиной настолько, насколько можете.

Заметьте, все вышеописанные упражнения направлены на развитие и укрепление мышц спины, а точнее мышц – разгибателей спины. Поэтому все другие упражнения для этих групп мышц, которые вы знаете, прекрасно подойдут для профилактики сколиоза и укрепления вашей осанки.

**Азизбек НИЗАМОВ,**
**начальник отдела «Здоровый образ жизни» Ташкентского филиала Республиканского института здоровья и медицинской статистики.**

Истеъдод

# ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР ШАРҚ АЁЛЛАРИ СИЙМОСИДА

***Фахр билан айтсак арзийдики, бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интилиши, изланиши, қолаверса, истеъдод борасидаги қирралари барчамизни хушнуд этмоқда. Айниқса, санъат бобида ўз иқтидорларини намоён этаётган ўғил-қизларимизнинг жаҳон саҳналарида Ўзбекистон шуҳратини ҳимоя қилаётганликлари ҳар биримиз учун ифтихордир. Ана шундай истеъдод бобида фарзандларимизни ўз бағрига олган В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейидан етишиб чиқаётган санъатсевар ёшларимиз нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларда ўтказилаётган турли танловларда муносиб ўринларни эгаллаб келмоқдалар. 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами ҳамда Наврўз айёми арафасида ушбу санъат кошонасида «Шарқ аёллари» иқтидорли қизлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Унда лицейнинг 7 нафар ўқувчиси 6 та шарт бўйича ўзаро беллашди. Айниқса, иқтидорли қизларнинг ўз истеъдодларини намойиш этишлари иштирокчиларни мафтун ни қутлуғ айёмлар билан самимий муборакбод этди. Ва лицейда таҳсил олиб кетган, бугунги кунда санъатимиз ривожига-ривож қўшаётган иқтидорли ёшларни фахр билан тилга сат олами, зукколар баҳси, касбим – фахрим, эркин шарт, пазандалик маҳорати ва уйга вазифа шартлари бўйича ўзаро беллашиб, ноёб истеъдодларининг барча қирраларини намоён қилдилар.



Нодира Саримсоқова (тахаллуси Нодирабегим) ўзбек халқ чолғулари, Феруза Ғиёсова (тахаллуси Увайсий) аъанавий созандачилик, Назокат Азимова (тахаллуси Зулфияхоним) грант фортепьяно, Юлдуз Эргашева (тахаллуси Нозимахоним) хор дирижёрлиги, Феруза Абидова (тахаллуси Самарбону) мусиқашунослик, Сарвиноз Жўраева (тахаллуси Муаззамбегим) эстрада хонандаси, Шаҳло Саидаҳмедова (тахаллуси Зебунисо) овоз оператори йўналишлари-









этди десак, янглишмаган бўламиз.

Кўрик-танловни В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Дилдора Жамалова кириш сўзи билан очиб, танлов иштирокчилари ва меҳмонлар-олди. Шунингдек, ўқиётган ўқувчиларнинг ҳам келажакда ўз танлаган йўналишлари бўйича етук санъаткор даражасига етишишларига тилакдошлигини билдирди. Ана шундай иқтидорли фарзандларимиз учун барча имкониятларни яратиб бераётган Президентимизга ўз миннатдорчилигини изҳор қилди.

Танлов иштирокчилари нафо-нинг 3-курс ўқувчилари юқорида тилга олинган 6 та шарт бўйича бир-бирларидан қолишмаган ҳолда ўзаро беллашдилар. Қизларнинг Шарқ аёллари тимсолидаги либослари, шеър, ғазал, жозибали рақс ва саҳна кўринишларини маромига етказиб ижро этганликлари барчани ўзига ром этди.

Ҳакамлар учун танлов иштирокчиларини баҳолаш осон кечмади. Чунки, қизларнинг зукколиги, касбий йўналиши бўйича иқтидори, пазандалиги, нафосат бобидаги чиқишлари бир-бирларидан қолишмади. Шундай бўлсада, ҳакамлар уларнинг чиқишларини одилона баҳолаган ҳолда фахрли ўринни Зулфияхоним тахаллусидаги Назокат Азимовага, биринчи ўринни эса Феруза Ғиёсовага берган бўлсалар, қолган иштирокчиларга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

**Бўлиб ўтган ушбу тадбир меҳмонлар ва иштирокчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

# БАҲОРНИ СОҒИНИБ...

**Яна совуқ кунлар изғирин шамол,**
**Кўчада ёғади пага-пага қор,**
**Қишку барчамизга ёқар эҳтимол,**
**Лек сени соғиндик, келақол баҳор!**
**Кел баҳор келақол «Фасли навбаҳор!»**

**Сени ўхшатишар гўзал ёшликка,**
**Сени ўхшатишар қаламқошликка,**
**Сени дейишади гулларнинг фасли,**
**Сени дейишади фасллар асли,**
**Соғиниб кетдик биз, келақол баҳор!**
**Кел баҳор келақол «Фасли навбаҳор!»**

**Дарахтлар кўкариб очади куртак,**
**Баҳорий кийиниб гўзал қизчалар,**
**Тақиб олишибди гуллардан баргак.**
**Бунча гўзал баҳор, гўзал шунчалар,**
**Биз сени соғиндик, келақол баҳор!**
**Кел баҳор келақол «Фасли навбаҳор!»**

**Бободеҳқоним ҳам сени кутмоқда,**
**Момоер сен учун қулоч очмоқда.**
**Барака бер Оллоҳ еримга дея,**
**Меҳнаткаш халқим сени кутмоқда,**
**Барчамиз соғиндик, келақол баҳор!**
**Кел баҳор келақол «Фасли навбаҳор!»**



**Фазилат ХАЛИҚУЛОВА,**
**Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика маркази ўқитувчиси.**



Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «I» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 10873 нусха.
Буюртма Г-345.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.